



**Мавзу: ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ
МОЛ МУЛКИНИ
СОЛИККА ТОРТИШ ТАРТИБИ**

Жисмоний шахслар мол мулк солиғи


Солик туловчилар

Солик солиш объектлари

Солик ставкалари

Имтиёзлар

Хисоблаб чиқариш ва тулаш
тартиби



Солиқ туловчилар

■ Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ туловчиларидир.

Солиқ солиш объекти

■ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

Солик ставкалари

- Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Призидентининг Қарори билан белгиланади.
- Ўз.Р. Призидентининг №744 Қарорига асосан 2008 йил учун

Солиқ солинадиган объектларнинг номи	Мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан солиқ ставкаси (%да)
Турар жойлар, квартиралар, дала ҳовли, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар қайта баҳолаш вақтидан қатъи назар	0,5

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолаш органининг баҳоси бўлмаган тақдирда, солиқ ундириш учун мол-мулкнинг Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида **2100.0** минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларида эса **920.0** минг сўм шартли қиймат қўлланади.

Хисоблаб чиқариш ва тулаш тартиби

Мол мулк солиғи суммаси Солиқ идораси ходими солиқ инспектори томонидан ҳукумат томонидан белгиланган ставка (миқдор) бўйича ҳисобланиб, солиқ тўловчи фуқароларга тўлов хабарномаси орқали 1-майдан кечиктирмасдан етказилади.

Мол-мулк солиғининг тўлов муддати 1 йилда бир марта тенг улушларда икки муддатда - 15 июн ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади. Агар фуқаро солиқни ўз вақтида белгиланган муддатда тўламаса, у ҳолда жарима сифатида ҳар бир ўтказиб юборилган ёки тўланмаган кун учун қўшимча устама солиқ суммаси ҳисобланади.

Имтиёзлар

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинмайди:

- 1) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг.
- 2) 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг.
- 3) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларнинг.
- 4) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқароларнинг (шу жумладан у ерга вақтинча йўлланган ёки хизмат сафарига юборилган шахсларнинг).
- 5) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг.
- 6) I ва II гуруҳ ногиронларининг.
- 7) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёхуд фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг);
- 8) муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг (хизматни ўташ даврида).

Хисоблаб чикариш ва тулаш тартиби

Мол мулк солиғи суммаси Солиқ идораси ходими солиқ инспектори томонидан ҳукумат томонидан белгиланган ставка (миқдор) бўйича ҳисобланиб, солиқ тўловчи фуқароларга тўлов хабарномаси орқали 1-майдан кечиктирмасдан етказилади.

Мол-мулк солиғининг тўлов муддати 1 йилда бир марта тенг улушларда икки муддатда -15 июн ва 15 декабрдан кечиктирмай тўланади. Агар фуқаро солиқни ўз вақтида белгиланган муддатда тўламаса, у ҳолда жарима сифатида ҳар бир ўтказиб юборилган ёки тўланмаган кун учун Қўшимча устама солиқ суммаси ҳисобланади.

Масала ечиш

1 - Мисол: Фуқаро Ш. Ҳамдамов, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 5-уйда яшайди. Ш. Ҳамдамовнинг мол-мулки, яъни яшаб турган уйи мулкни баҳолаш идораси томонидан 460 минг сўмга баҳоланган ва бу тўғрисида тегишли идоранинг маълумотномаси тақдим қилинган. 2008 йил учун мол мулк солиғининг ставкаси Президент Қарорига асосан 0.5% қилиб белгиланган. Ушбу фуқарога 2008 йил учун мол-мулк солиғи қуйидагича ҳисобланади:

$$460000 \times 0,5 \% = 2300 \text{ сўм.}$$

Демак фуқаро Ш.Ҳамдамов давлат бюджетига 2008 йил учун мол мулк солиғи 2300 сўм. тўлайди

1-тўлов муддати ва солиқ суммаси 15-июнда 1150 сўм.

2-тўлов муддати ва солиқ суммаси 15-декабрда 1150 сўм тўлайди.

Масала ечиш

2.Мисол. Пенсионерларга тегишли бўлган кўчмас мулкнинг жами инвентарь бахоси 1750000 сўм, жами эгаллаган ер майдонининг хажми 158 кв.м . Ушбу холатда пенсионер томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи қуйидагича хисобланади:

$$\{ \text{Сжам} - (\text{Сжам} : \text{Сжам}) \times 60 \text{ кв.м} \} \times \text{Сст}$$

Бунда:

Сжам – кўчмас мулкнинг жами инвентарь бахоси

Сжам – кўчмас мулкнинг жами эгаллаган ер майдони

Сст – мол мулк солиғининг ставкаси

$$\{1750000 - (1750000:158) \times 60\} \times 0.5\% = 5427 \text{ сўм.}$$

Назорат саволлари

- Мол-мулк солиғини тўловчилари кимлар ?
- Мол-мулк солиғи нималардан ундирилади?
- Мол-мулк солиғи ставкаси ким томондан белгиланади?
- Мол-мулк солиғини ставкалари 2008 қандай?
- Мол-мулк солиғини тўлов муддатлари қандай?
- Мол-мулк солиқини тўлашдан кимлар озод этилган?
- Пенсияонерларга 2007 йилда мол мулк солиғидан қандай имтиёзлар берилди?

Жисмоний шахсларнинг р солиғи



Ер ҳақида тушунча

Солик туловчилар

Солик солиш объектлари

Солик ставкалари

Имтиёзлар

Хисоблаб чиқариш ва
тулаш тартиби

Ер хақида тушунча

- **Ер** умум миллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асосидир, ердан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилиниши “Ер туғрисида” ги қонунда белгилаб қўйилган.
- Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш пулладир. Ер учун ҳақ йиллик ер солиғи сифатида ундирилади.



Солик туловчилар

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғи тўловчилардир.



Солик солиш объекти

- 1) деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- 2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- 3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;
- 4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;
- 5) мерос бўйича, ҳады қилиниши ёки олинishi натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;
- 6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- 7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди.

Солик ставкалари

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига асосан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади. Ер солиғини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Янги солиқ Кодекси билан тартибга солинади

2007 йил учун Ер солиғи ставкалари Тошкент шаҳри

Зоналар	Ставка (сўм)	Зоналар	Ставка (сўм)
1-зона	37.4	8-зона	111.2
2-зона	47.1	9-зона	123.6
3-зона	66.5	10-зона	130.8
4-зона	71.9	11-зона	140.3
5-зона	81.8	12-зона	148.1
6-зона	101.1	13-зона	155.3
7-зона	106.2	14-зона	162.5

Имтиёзлар

Ер солиғидан қуйидагилар озод қилинадилар:

- 1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;
- 2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар.
- 3) 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланадиган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар.
- 4) I ва II гуруҳ ногиронлари.
- 5) ёлғиз пенсионерлар.
- 6) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар.
- 7) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар.
- 8) шахсий пенсия тайинланган шахслар;
- 9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган пайдан эътиборан беш йилгача;
- 10) шахслар – уларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича – ер участкаси берилган ойдан

Ҳисоблаб чиқариш ва тулаш тартиби

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахсларга ер солиғини тулаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ органлари томонидан ҳар йили жорий йилнинг 1 майидан кечикмай топширилади.

Жисмоний шахслар ер солиғини тенг улушларда икки муддатда-15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирмай тўлайдилар.



Масала ечиш

Мисол: Фуқаро Ш. Ҳамдамов, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 5-уйда яшайди. (2-зона) Ш. Ҳамдамовнинг хонадонининг ер участкаси майдони ҳажми 6 сотихдан иборат. Ш. Ҳамдамовнинг яшаб турган ер солиғининг 1 м.кв учун қиймати (ставкаси) 2007 йил учун 47 сўм қилиб Президент Қарорига асосан белгиланган. Ушбу фуқарога 2007 йил учун ер солиғи қуйидагича ҳисобланади:

Ечилиши:

1 сотих = 100 м.кв

6 сотих = 6 x 100 = 600 м.кв демак 600 x 47 сўм = 28200 сўм ер солиғи ҳисобланди

Демак фуқаро Ш. Ҳамдамов давлат бюджетига 2008 йил учун 28200 сўм ер солиғини тўлайди. 1-тўлов муддати ва солиқ суммаси 15-июнда 14100 сўм, ҳамда 2-тўлов муддати ва солиқ суммаси 15-декабрда 14100 сўм тўлайди.



Назорат саволлари

- Ер солиғи участкаси деганда нимани тушунасиз?
- Ерга нисбатан эгалик хуқуқи деганда нимани тушунасиз?
- Ердан фойдаланиш хуқуқи деганда нимани тушунасиз?
- Қандай жисмоний шахслар ер солиғи тўлашдан имтиёздан фойдаланади?
- Ер солиғи ким томонидан ҳисоблаб чиқарилади?
- Тўлов хабарномалврени солиқ тўловчиларга етказиш тартиби қандай?
- Ер эгалиги ўзгарганда солиқни тўлаш тартиби қандай ҳал этилади?
- Жисмоний шахслар учун ер солиғини тўлаш тартиблари қандай?
- Жисмоний шахслар учун ер солиғини хисоблаш тартиби қандай?



**ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН
РАЪМАТ!**